ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

Қишлоқ ҳаёти

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1996 йил 9 апрель СЕШАНБА № 27 (5.699) сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РАВНАҚИГА ҚАРАТИЛГАН ТАРИХИЙ ШАҲОДАТ

«Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни давлат йўли билан қуллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони тармоқ мутасаддиларининг, миришкор деҳқонларнинг дилидаги гап бўлди. Қишлоқда ислоҳотларнинг жадаллашувида, деҳқон манфаатларини ҳимоя қилиб, халқимиз насибаси — мул-кўлчиликни таъминлашда ана шу фармон муҳим омил бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Инъомиддин МУҲИДДИНОВ, Зангиота туманидаги «Зангиота» жамоа хўжалиги раиси:

— Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ислоҳотларни чуқурлаштириш, шу соҳанинг моддий базаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантиришдек устивор йўналишларни ўз ичига олган бу фармон айни кунда, олдимизда турган ўнлаб муаммоларимизга ечим берадиган бўлди.

Фармоннинг иккинчи бандида «Машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарининг буюртмаларига мувофиқ бажарган ишлари учун уч йилгача қўшимча қийматга солиғини тўлашдан озод қилинсин», — дейилган. Хўжалик фаолиятини машина-тракторлар хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ улар хизматига қўйилаётган қўшимча қийматлар, тўғриси, ҳар бир хўжалини бир оз танг аҳволга солиб қўяётганди. Натижада техника хизматидан мақсадли равишда фойдаланиш мураккаблашганди. Хўжалигимиз миришкорлари фармонда кўзда тутилган барча имтиёзлардан мимнун эканликлари илк кунданоқ кўзга ташланаяпти. Ҳозир далаларимизда экиш-тикиш ишлари авжи палада. Масъулиятли мавсум бошланган. Олдинда катта режалар кўп. Далаларда барака уруғи қадалмоқда. Миришкор деҳқонларимиз орзу-умидларининг рўёбга чиқишида, мул-кўл ҳосилнинг яратилишида ана шу фармон мададкор бўлишига ишончим комил.

Нормаҳмат МУҲАММАДИЕВ, Мизробод туманидаги «Адолат» оилавий-ижара хўжалиги бошлиғи:

— Саксонинчи йилларда республикамиздаги машҳур олимлардан бири «Хазина султони» номли китобида юртимиз деҳқонлари олдида кундаланг бўлаётган қатор муаммоларни бадиий асосда талқин этиб, айниқса, ер баллари ҳамда режалаштиришдаги нуқсонларни очиқчасига ошкор қилганди. Афсуски, шунга қарамай, давр руҳи, ўзибўларчилик тизимлари кучли бўлганлиги учун ҳам бу масалага ҳеч ким юракдан ёндашмади...

Мен бу мисолни бекорга келтирмадим. Мана, орадан салкам йигирма йил ўтди. Ўша китобда кўтарилган долзарб муаммолар қўлами, истиқлол шарофати туфайли амалда ўз исботини топди. Қолаверса, юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқчиллиги, юртпарварлиги биз каби оддий деҳқонлар орзусини рўёбга чиқармоқда. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қуллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ҳам худди шу мақсадга қаратилгандир.

Жамоа хўжалигидан 20 гектар ер олиб оилам билан ишлаётганимга ҳам икки йил бўлди. Тўғриси, бозорга хос ёрдамчи тармоқларни шакллантириш масаласини ҳали кўпчилик деҳқонларимиз тўлиқ тушуниб етган эмас. Иқтисодий ислоҳотларнинг барқарорлашувида айнан ёрдамчи хўжаликлар муҳим ўрин тутади.

Ижара хўжалигига келсак, қилаётган меҳнатларимизни эл кўриб турибди. Ишлаган тишлайди, деган ҳикмат бор. Деҳқонлар манфаатига йўғрилган бу фармон энди фақат ташаббускорлик қилишга, ишбилармонлик билан иш юритишга ва халқимиз ризқ-рузини бойитишга ундайди.

Ғофур ҚОРАБОЕВ, Дўстлик туманидаги «Дўстлик» ижара-ширкатлар бирлашмаси бошлиғи:

— Қишлоқ хўжалиги республикамиз учун энг устивор соҳа, бошқача айтганда, ҳал қилувчи асосий тармоқ. Шу боис республикамиз Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қуллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари миришкор деҳқонларнинг бир гайратига ўн гайрат қўшди

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришдаги бир қатор муаммоларга алоҳида тўхталмоқчи эмасман. Бироқ деҳқон меҳнати самарасини юзага чиқаришда асосий ўрин тутадиган техника воситаси ҳамда минерал ўғитлар таннархи ва харажатлари баланд бўлганлиги туфайли, аксарият ҳолларда қийналиб қолардик.

Деҳқонлар дилини тўғри тушунган республикамиз раҳбарияти ана шу муаммомизни ҳал этиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига қўшимча қиймат солиғи белгилашни бекор қилди.

Мен мазкур Фармонни ҳаётий ва тарихий ҳужжат деб ҳисоблайман. Юртимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, бозорга мос маҳсулотлар кўламини кенгайтириш ва тўкинликни таъминлашда унинг ўрни беқиёсдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 1996 йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 апрель.

***

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳаси (биринчи ўқишда).
2. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
3. Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
4. Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
5. Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
6. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
7. Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
8. Узбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда).

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

Шу йил 6 апрель куни Узбекистон Вазирлар Маҳкамасида бошоқли дон экинларини йиғиб олиш мавсумига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда вазирликлар, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишда ғаллани ўриб-йиғиб берадиган техника воситалари ва қабул қилиш пунктларини янги мавсумга ҳозирлаш, бошоқли дон экинларини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ташкил этишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг бу борадаги ахбороти тингланди.

Республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жўладан, бошоқли дон экинлари майдони кенгайтирилиб, илғор техника ва технологиялар қўлланилиши натижасида йилдан-йилга мул ҳосил олинаётир. Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда техника кучи — комбайн ва бошқа транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Йиғилишда ғалла йиғиштириб берадиган техника воситаларини мавсумга шайлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа экани алоҳида таъкидланди. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятларнинг айрим жамоа хўжаликларида бу борада сусткашлик ка йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди, мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллин иштирок этди.

ЎзА

ДЕҲҚОНЛАР ХУШНУД

Ховос туманидаги «Дружба» ширкатлар уюшмаси механизаторлари Абдуллажон ака Ҳакимов шундай ҳикоя қилади:

— Улкамизда қуклам фасли бошланиб экин-тикин ишларига қизғин киришилган дамларда деҳқон қалбини шодлантирувчи хушхабар тарқалди. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қуллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги юртбошимизнинг матбуотда эълон қилинган фармони соҳани юксалтириш йўлидаги дадил қадамдир.

Унинг ҳар бир банди — миришкор манфаатини кўзда тутган муҳим ҳужжат. Айниқса, бал-бонитед бўйича ўтказилган баҳолар асосида қишлоқ хўжалик зоналарини белгилаб, шу зоналар бўйича ер солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қайта кўриб чиқиш айни муддаодир. Чунки ҳар ернинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Масалан, бизнинг Ховос туманидаги чўл зонасида жойлашган хўжаликлар ерининг шароити мураккаб. Кўзланган ҳосилни ундиришга кўп меҳнат, талайгина харажат кетади. Шу боис йил охирида соф фойда қўтилган даражада бўлмайди. Унинг устига шўрланган заминдан унумдор жойларга нисбатан бирмунча кам ҳосил олинади.

Эзгу ниятларни дилимизга жо этиб чигит экиш ишларини қизғин бошлаб юбордик. Бизнинг «Дружба» ширкатлар уюшмамизда бу йил 1.748 гектар майдонда пахта етиштирилади. Асосий ерларга «АН-Боёвут» нави жойлаштирилаяпти. 12 та экиш мосламаси бир маромда ишлатилаётир. Шунингдек, 310 гектардаги бўғдой парваришини ҳам авж олдирганмиз. Мақсадимиз, давлат буюртмасини ортиғи билан бажариб, деҳқон уйини донга тўлдиришдир.

Юртбошимизнинг мазкур фармони деҳқоннинг бой бўлишига йўл очади. У мустақиллигимизни мустаҳкамловчи заминдир. Бу эса кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаётир. Ғамхўрликларга фидокорона меҳнатимиз, юқори кўрсаткичларга эришиш билан жавоб берамиз.

СУРАТЛАРДА: 1. Ховос туманидаги «Дружба» ширкатлар уюшмаси раиси (чапда) Ҳ.Насриддинов, уста пахтакор Ж.Раҳмонқулов, бўлим етакчиси С.Абдуқодиров, сеялкачи Ш.Ашуров. 2. Экиш пайти.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» ТАҲРИРИЯТИДА

Куни кеча «Қишлоқ ҳаёти» газетаси таҳририяти ва касаба уюшмаси қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда рўзнома бош муҳаррири Неъмат Ёқубов сўзга чиқиб, Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ Иттифоқни қайта тиклашга даъват этиш тўғрисидаги қарорига муносабатини билдириб, қарор ўз мустақиллигини эълон қилиб, бу йўлдан бораётган давлатларнинг халқаро тан олинган ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишга уриниш эканлигини таъкидлади. Кўриниб турибдики, замини зару-дурга макон, фуқаролари жон фидо, юртбошиси эзгу юрти учун ёниб яшайдиган, келажаги буюк, истиқболлари беками-кўст давлатга ҳамма давлатлар ҳам бирдек дўстона назар билан боқавермайди. Бугунги кунда ҳар бир ҳаракатимиз баҳамжиҳат, ўзаро тотувлик асосига қурилса, айни муддаодир.

Йиғилишда рўзнома масъул котиби Обиджон Ғофуров, масъул котиб ўринбосари Суннатулла Сайдалиев, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Равшан Бобомуҳамедов, ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими мудири Дилмурод Қиргизбоев, Амина Қодирова, Абдулла Турдиев ва бошқалар сўзга чиқишиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги—УзА мухбирининг МДҲ мамлакатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан берган саволларига жавобларида баён этилган фикрларни ва бу борада республикамизда олиб борилаётган сиёсатни яқдиллик билан қуллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Йиғилганлар республикамиз Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қуллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тармоқдаги иқтисодий ислоҳотларнинг ривожи учун хизмат қиладиган муҳим тарихий ҳужжат бўлиб қолишини алоҳида уқтирдилар. Ушбу фармондан келиб чиқадиган вазифалар белгиланди.

Шунингдек, таҳририят фаолиятига оид бир қанча долзарб масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

БАНК ШАРТНОМАНИ НЕГА БУЗДИ?

Собиқ Иттифоқдан қолган жамғарма банкларининг шарти кетиб, парти қолгач, обрўни тиклаш мақсадида омонатга пулларингизни қўйинг, айниқса «Капитал», «Капитал люкс»га, қисқа муддатли депозит омонатларга пул қўйсангиз ютқазмайсиз, деб айюҳаннос тортишди, радио, телевизор, матбуотда рекламани сира бўшаштиришмади. Хом ваъдаларга ишонган баъзи жамғармачилар мўмай фойдани кўзлаб, кўпроқ «Капитал», «Капитал люкс» ва депозит омонатларга пул қўя бошладилар.

Бу орада жамғарма банкининг хизматини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида жамғарма банклари халқ банкига айлантирилди.

— Хўш, фармондан сўнг халқ банки хизмати фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлди? — сўрадик Фарғона вилояти халқ банки бошқарувчиси Илҳом Муқимович Акрамовдан.

— Халқ банкига айлантирилгандан сўнг аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари кўпайтирилди, жамғарма банки даврида вилоятда 226 та шохобчамиз бор эди. Ҳозир шаҳар, туманларда халқ банкининг янгидан 134 та янги шохобчалари ташкил этилди. 1996 йили яна 94 та янги бўлим очилади. Шунда халқ банки хизмат шохобчалари 443 тага етади, ҳар бир йирик корхона ва маҳаллаларда банк хизматини йўлга қўймоқчимиз.

Жамғармачиларга фоизларни тўлаш қандай бўлаяпти?

Шу саволдан кейин Илҳом Муқимович бироз жим қолди, қўнғироқни босиб муовинни чақиртирди.

— Тўғри, бу борада шартнома бироз бузилди. Лекин халқ банки ўз устави, низоми талабига мувофиқ пулнинг қадрсизланиши даражаси пасайган чоғда тўлов фоизларини камайтириши мумкин.

Балки шундай қилиш мумкиндир. Аммо 1996 йил 1 февралдан бошлаб халқ банки муассасаларида омонат турлари бўйича фоиз ставкалари миқдорини камайтиришга доир қарорнинг 2-бандига шу йил 1-февралга қадар амалда бўлган «Капитал», «Капитал люкс» ҳамда қисқа муддатли депозит омонатларига олдинги фоиз ставкалари бўйича даромад тўланади, деб эълон қилинган эди. Афсуски, халқ банки бу шартномаларга риоя қилмаяпти, омонатчиларга ўн фоиз ўрнига 6 фоиздан даромад тўлаяпти?

— Бу мижозларни чалғитиш эмасми?

— Қўлимизда республика халқ банкининг кўрсатмаси бор. Шуларни кўрсатинг, — деди бошлиқ хонага кирган кишига ишора қилиб.

Халқ банки умумий хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Дилшод Юлдашев республика халқ банки бошқаруви раиси биринчи февралдаги 3 рақамли мажлис қарорини кўрсатди.

Дарҳақиқат унда: Узбекистон Республикаси Халқ банки бошқарувининг 1996 йил 30 январдаги 2-сон «1996 йил 1 февралдан омонатларнинг фоиз ставкаларини камайтирилиши ҳақида»ги қарорининг иккинчи банди бекор қилинсин ва ўрнига қўйидаги таҳрирдаги янги банд киритилсин: «1996 йил 1 февралга қадар қўйилган омонатлар омонатчилар томонидан талаб қилиниб ҳисоб счети ёпилган тақдирда (сақлаш муддати тўғрисидаги шартнинг бажарилишидан қатъий назар) 1996 йил 1 февралгача олдинги фоизлар ва 1996 йил 1 февралдан янги фоизлар билан қайта ҳисобланиб берилсин», — дейилган. Пинҳона бўлган бу қарор «Капитал», «Капитал люкс» ва қисқа муддатли депозит омонатлари шартини бузмоқда. Шундай ўзгариш бўлган экан, уни дарҳол ҳамма мижозларга маълум қилиш лозим эди, ушанда юзлаб омонатчилар халқ банки муассасалари ходимлари билан ади-бади айтишиб, жанжал кўтармаган бўларди. Энди омонатчилар ҳақига хиёнат қилган ва бўзганларни ким жазолайди?!

Р.МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ДЎСТЛИК БЎЛСА, БОҒИНГ ЧАМАНДИР

Аравон тумани Қирғизистоннинг гўзал гўшаларидан бири бўлиб, азалдан меҳнаткаш, меҳмондўст ва ижодкор инсонлар диёридир. Бир томони Чилустун, Каклик учар тоғлари, Қизилқат ва Улуғ тоғ адирлари билан ўралган бу заминдан кўплаб донгдор кишилар етишиб чиққан.

Ҳозирда туманга эл-юрт учун жонкуяр, меҳнати ва билими билан халқ орасида обру-эътибор топган Аҳмаджон МУҲАММАДОВ раҳбарлик қилмоқда. Биз тумандаги иқтисодий-ижтимоий аҳвол, қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқлар, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида у киши билан суҳбатлашдик.

— Аҳмаджон Маҳаммадович, аввало Аравон тумани ҳақида икки оғиз сўз айтсангиз.

— Аравонимиз тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Ўтган 1995 йили туманимизнинг 60 йиллик тўйи тантаналарини нишонладик.

Жўғрофий жиҳатдан Аравон Ўш — Фарғона йўлида жойлашган бўлиб, Ўшдан 25 километр ғарб томонда, Фарғона шаҳридан эса 55 километр олисликда, Андижонгача эса масофа 35 километрни ташкил қилади. Туманнинг шимол ва шарқ томонлари Андижон вилоятининг Булоқбоши ва Ҳўжаобод туманлари билан, ғарби эса Марҳамат ва Фарғона вилоятининг Қува туманлари билан чегарадош. Туманда 86 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда қадим замонлардан бери ўзбеклар ва қирғизлар ҳамда бошқа миллат вакиллари баҳамжиҳат бўлиб яшаб келганлар. Туман ҳудуди жиҳатидан республикада энг кичик саналса-да, аҳолисининг зичлиги бўйича биринчи ўриндадир.

Аравон азалдан донгдор пахтакорлар диёри бўлиб келган. «Оқ олтин» етиштириб саккиз нафар пахтакор Меҳнат Қаҳрамони бўлган. Ҳамюртимиз марҳум Алла Аноров эса бу шарафли номни икки марта олган эди.

Жаҳон геология ва минерология фанининг даҳоларидан бири, таниқли давлат арбоби, академик Ҳабиб Абдуллаев ҳам Аравонда туғилиб ўсган. Ҳозирда унинг изидан бораётган Ўшдаги ўзбек-қирғиз Олий технология коллежининг ректори, фан доктори, академик Муҳаммаджон Мамасаидов, Тошкентда фаолият кўрсатаётган фан докторлари Карим Султонов, Маҳаммадрасул Эргашевлар, Республикамиз ва МДҲ давлатларида меҳнат қилаётган 30 дан зиёд ҳамюрт олимларимиз биз, аравонликларнинг фахри ҳисобланади.

— Туманнинг ҳозирги иқтисодий аҳволи, аҳолининг турмуш тарзи қандай?

— МДҲ давлатларида бўлгани каби ҳозир бизнинг республикамизда ҳам иқтисодий аҳвол қўнгилдагидек, деб бўлмайди. Узоро иқтисодий алоқаларнинг узилиши, ҳом ашё етишмаслиги, энергетика ресурсларининг камеблиги туман иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада кўп саноат корхоналарида иш умуман тўхтаб қолди, баъзилари қисқартирилган иш режимига ўтди. Иқтисоднинг ўзагини асосан қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Туманда 18 минг гектар суғориладиган ва 40 минг гектардан зиёд адир ва лалми экин майдонлари бўлиб, асосан пахта, бўғдой, тамаки ва турли хил озуқабоп экинлар экилади. Яқингача туманда 7 жамоа хўжалиги ва 4 давлат хўжалиги мавжуд эди. Республикамизда амал қилаётган қишлоқда ер ислоҳотининг жадаллаштириш борасидаги фармон ва ер ислоҳоти ҳақидаги қонун асосида туманимизда талайгина ишлар олиб борилди. Ҳозирда қонун асосида 10 мингдан зиёд фуқаро ўз ер улушини олиб, қарийб 2,5 минг деҳқон ва фермер хўжалигига бирлашганлар. Ер хоҳловчиларга узоқ муддатга берилмоқда. Бу билан ер ўз эгасини топиб, унга муносабат ўзгариб бормоқда.

Туманда давлат корхоналари ҳам хусусийлаштирилмоқда. Масалан, пахта тозалаш ва қайта ишлаш заводи, тикувчилик фабрикаси, маиший хизмат комбинати, юк ва пассажир ташувчи автобаза, қўплаб савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятларига ва хусусий корхоналарга айлантирилган.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги қонунга кўра, жойжойларда маҳаллий ҳокимиятларнинг раҳбарлик мавқеиси кучайтирилган. Натижада ўтган 1995 йилда солиқ тушуми бўйича қишлоқ туманлари ичида бизнинг туман кўрсаткичлари республикада энг яхши бўлди. Оз муддат кечикиб бўлса-да, ўқитувчи, тиббиет ходимлари ва бошқа бюджетдан маош олувчиларнинг иш ҳақлари ва нафақаларни бериб бермоқдамиз.

Ўтган йили бўғдой ва пахтадан юқори ҳосил олинди. Тумандаги ҳар бир аҳолининг жон бошига 173 килограмм бўғдой арзон баҳоларда берилди. Ҳозир ширкатлар ва деҳқон хўжаликлар уюшмаларининг омборларида бўғдой бор. Ҳисоб-китобга кўра, қолган бўғдой 1996 йил ҳосилигача бемалол етади, меҳнаткашларимизнинг қайфиятлари ёмон эмас. Айрим хўжаликлар ҳар гектар ғаллазордан 58-60 центнердан бўғдой ҳосили етиштиришга эришди.

— Тумандаги маданий-маърифий ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Туманда 25 ўрта, 8 тўликсиз ўрта, 2 та бошланғич мактаблар ва лицей бор. Туман уқувчиларининг билими, иқтидорини яқинда бўлиб ўтган вилоят олимпиадаси натижалари ҳам кўрсатди. Буларнинг асосий совриндорлари ва минтақавий олимпиадаларга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар бизнинг мактаб уқувчилари бўлдилар.

Туманда 8 та қишлоқ клуби, маданият уйи қошида «Аравон наволари» халқ дастаси ва халқ театри ҳамда мусиқа мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг туман азалдан ижодкорлар макони. Ҳамюртимиз, таниқли олим, филолог ва тарихчи Валижон Мирзаевнинг тадқиқотларига кўра, ғазал бустонининг султони Мир Алишер Навоийнинг боболари аравонлик бўлган. Шу боисдан Аравонда шоир ва ёзувчилар кўп. Демократ шоир Фурқатнинг дўсти ва ҳамфикри Омон Аравонийнинг издошлари ҳозирда узбек шеърият мухлисларига яхши таниш. Бир неча тўпламлар муаллифлари марҳум шоир Таҳсат Солиев, Ҳолдоржон Қуронбоев, Усмон Темур, Аҳад Карим, марҳум ёзувчи Анорбой Қуронбоев, драматург Абдуқаҳҳор Маннопов ва санъаткорлардан Ойтожихон Шобдонова, Озода Мадраҳмова, журналист Дилмурод Қирғизбоевлар аллақачон ўз мухлисларини бетараф дўстликка айланган ва чуқур иллиз отган.

Яқинда туманимизда узбек тилида ижтимоий-сиёсий оммавий газета «Дўстлик» номи билан чиқа бошлади. Бу республикамиз туман давлат нашрлари ичида ягона узбек газетаси бўлиб, ҳозирда 2600 нусхада чоп этилмоқда.

— Туманда ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигини, ҳамжиҳатлигини мустаҳкамловчи қандай тадбирлар ўтказилмоқда?

— Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Президентимиз Асқар Акаев ташаббуси билан янгича қуч олган халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамловчи тадбирларни барчаси қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида у киши билан суҳбатлашдик.

Биринчидан, «Юлдуз»нинг толаси ниҳоятда оқ. Ливерпуль биржасида юқори баҳоланган, ғузаси ўта ҳосилдор, машина теримига жуда қулай. Иккинчидан, тезпишар туплаган барча қўсаклари ҳосилини сентябрь ойигача ер ҳар қандай тадбир аввало халқлар ўртасида дўстликни таъминлашга қаратилган. Миллатлар ўртасида яқинлик шу даражада-ки, тўй ёки маъракалар икки миллат вакиллари қатнашувисиз ўтмайди. Бозорларимизда, ҳатто ҳозирги кунда ҳам Қирғизнинг туйида узбекча куй-қўшиқ янграса ёки узбекнинг туйида қирғизча оҳанг эшитилса қандай мароқли! Ўтган йили кенг нишонланган қирғиз халқининг «Манас» эпоси 1000 йиллик тантаналари ҳақиқий дўстлик байрамига айланди. Бу воқеага бағишланган тантаналар Узбекистонда ҳам нишонланганлиги бизни гоят қувонтирди.

Яқинда бўлиб ўтган Қирғизистон халқларининг II қурултойида иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларни фақатгина халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳамжиҳатликни таъминлаш орқалигина енгиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Қурултойда дўстлик ва узаро ҳамкорлик ҳақида декларация қабул қилинди.

Биз раҳбарлик лавозимларига тайинлов жараёнида аввало кадрларнинг ишчанлиги, билими, тажрибаси ва маънавиятига, аҳоли ўртасидаги обру-эътиборига қарайямиз.

Туманимиз Узбекистон билан чегарадош. Узбекистонда қўплаб қариндош-уруғларимиз ва дўстларимиз борлигини, аксарият раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз Узбекистоннинг олий ўқув даргоҳларида билим олганлиги боисидан ҳам қўшни туманлар билан амалий алоқаларимиз бегараз дўстликка айланган ва чуқур илдиз отган.

Туман миқёсида ўтадиган турли маросимларимизга албатта Узбекистоннинг қўшни туманларидан меҳмонларни таклиф этамиз, уларнинг таклифига кўра биз ҳам ўз навбатида у ерда бўладиган байрамларга қатнашамиз. Узбекистонда ғалланинг эртароқ пишиши муносабати билан ўтган мавсумда ғалла комбайнларимиз уларга тўлигича сафарбар қилинди. Кейинчалик улар ҳам бизга ҳосилни йиғиб олишда ёрдам беришли. Шунингдек, яйловларимиздан фойдаланиш учун уларга имкон бермоқдамиз.

Мактабларимизда дўстликка бағишланган тадбирлар муттасил ўтяпти. Ҳозирда 660 йиллигига ўр тайёргарлик кўрилаётган сохибқирон Амир Темур бизга ҳам буюк бобокалондир. Шу, боисдан ҳам мактабларда Темур дарслари ўқитирилган, туман матбуотининг ҳар сонида «Амир Темурнинг 660 йиллигига» рукни остида мақолалар босилиб бормоқда. Туманнинг йирик мактабларидан бирига улуг соҳибқирон Амир Темур номи берилгани фахрлидир.

Бундан ташқари бизнинг ҳуқуқ-тарғибот органларимиз қўшни туманларнинг турдош органлари билан узаро келишиш асосида доимий ҳамкорликда бўлиб, жиноятчиликка қарши курашда елкама-елка турибдилар.

Биз қўшни Марҳамат тумани ҳокими Абдуманнон Расулов, Булоқбоши туман ҳокими Абдумуталиб Жалилов, Қува туман ҳокими Муҳаммаджон Собиров билан дўстона алоқаларни ўрнатганмиз. Улар тез-тез ташриф буюриб турадилар. Биз ҳам вақт топиб уларнинг ҳузурига борамиз. Иқтисодиёт масалаларида, деҳқончиликда узаро маслаҳатлашиб турамиз.

— Узбекистон халқига тилакларингиз.

— Биз Узбекистонда бўлаётган иқтисодий ислоҳотларни зўр қизиқиш билан кузатиб боряпмиз. Доно ва тадбиркор юртбошингиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганидек, Узбекистон келажаги буюк давлатдир. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар албатта вақтинчалик. Сизларда мавжуд саноат корхоналари ва қурилаётган корхоналарни ҳисобга олганда яқин йиллар ичида Узбекистон нафақат ҳом ашёга бой, балки жуда катта қудратга эга бўлган индустриал давлат бўлиб қолишига шубҳа йўқлиг.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Узбекистон халқига тинчлик-тотувлик, мангу бахт саодат тилайман.

Ҳамма ва ҳамма республика халқлари ўртасида дўстлик барқарор ва мустаҳкам бўлишини Оллоҳдан тилаб қоламан, чунки бизнинг тилимиз ҳам, дилимиз ҳам, қалбимиз ҳам, умидларимиз ҳам ҳамоҳангдир.

Суҳбатни журналист Ҳабибулло ИДРИСОВ олиб борди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Республика ихтисослашган акционерлик-тижорат «Ғаллабанк»нинг Наманган вилояти филиали ғаллакорлар билан биргаликда ҳосилдорликни ошириш, аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, тармоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Банкнинг вужудга келганига унча кўп бўлмаса-да, молия тизимидаги обрўли муассасалардан ҳисобланади. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш такомиллашиб бормоқда. Барча ишлар замонавий компьютерлар ёрдамида амалга оширилиб, мижозларга хизмат кўрсатиш даражаси ортмоқда. Шу боис мижозларнинг сони ой сайин кўпаймоқда.

Қуйидаги давра суҳбатида мижозларга қандай хизмат кўрсатилаётганлиги, мавжуд муаммолар тўғрисида банк раҳбарлари ва мижозларнинг фикр-мулоҳазаларн билан танишишингиз мумкин.

Сайдулла АБДУЛЛАЕВ,

«Ғаллабанк»нинг Наманган вилояти филиали бошқарувчиси:

— Вилоятда ғаллачилик етакчи тармоқ бўлиб бормоқда. Юртимизда ғалла мустақиллигига эришиш давлат сиёсатига айланганлигини тўғри тушунган наманганлик деҳқонлар масъулиятни ҳис қилмоқдалар. Экин майдонлари кўпайяпти. Он етиштириш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Буғи топширилаётган ғалла миқиёсидан ҳам бидиш мумкин. Ҳорий йилда вилоятда давлатга 169 минг тоннадан зиёд дон топшириш кузда тутилган. Банкимиз асосан донни қайта ишлаш корхоналарига хизмат кўрсатади. Кейинчалик унинг фаолиятини кенгайтириш мўлжал қилиб олинган.

Айни пайтда илиалнинг Учқўрғон, Поп туманларида бўлимлари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳа асосий мижози Учқўрғон в Поп дон маҳсулотлари комбинатлари ҳисобланади. Вилоятдаккита туман бўлими бўлса-да, лекин ғалла чиликка ихтисослашган барча жамоаларнинг мо явий юмушлари қондириб келяпти. Вилоят филиали ва ман бўлимлари тўла компьерлашган. Барча юмушлар зонавий техникалар ёрдамида ажарилиб, пул ўтказиш элекон тизим орқали ўз эгаларигетиб бормоқда.

Бизда ҳаммаси бўиб 150 дан ортиқ мижоз бор. Триси, биз билан ишлашни хоовчилар, яъни банкда ҳисоб-ҳамларини очишни истаган шкилотлар кўп. Лекин биз рни ҳар томонлама синодаг тказиб, иқтисодий аҳволини лил қилиб, маъқул бўлса, кен бирга ишлашга розилик бирамиз. Муассасамиз ташкил кингандан бошлаб «Мижоз к учун эмас, банк мижоз учуниори остида иш олиб бормоқда. Бизда нафақат мижозла хизмат кўрсатиш, балки уга молиявий тизимга оид тунчалар, Президент ва ҳукумнинг қарорларини бажаришасидан маслаҳатлар бериб риш мақсад қилиб қўйилган ниқса, дебитор-кредитор қарр дан халос бўлиш тўғрисида слаҳатлар бериб, ушбу масқатлиқ назоратга олинган. дит бериш учун мижознинқтисодий аҳволи батафсил нилади ва кейин бир хулос келинади. Шу боис ҳозир лар орасида биронта ҳамар кўриб ишлаётган жамоақ. Бунинг, табиийки, банг фаолиятида ҳам фойдаси а. Шу боис мижозлар билан лашда уларга маслаҳатлар б бериш ҳам бизнинг асоси зифаларимиздан бирига а ган.

Вилоятда ғаллачиликка ҳида эътибор берилаётган, у етакчи тармоқлардан би айланаётгани боис давлат шириклари ошириб ўдда моқда. Табиийки, бу борада қумат томонидан ажратилает имтиёзли қарзлар ўз самара ни бермоқда. Масалан, ут йили 274 миллион сўм маб вилоят дон маҳсулотлари лаб чиқариш акционерлик ук маси корхоналарига берил Улар ўз навбатида маблағлар дон етиштирувчи хўжаликла қисқа муддатда етказиб берд

Вазирлар Маҳкамаси шу й 25 январда «1996 йилда бошо ли экинлар дони етиштириш харид қилиш ҳажмлари тўғр сида» қарор қабул қилди. Ма қур хўжаликка кўра жорий йил етиштириладиган бошоқли до учун олдиндан ўртача жаҳон н рхларининг 60 фоизидан кели чиқиб, аванс бериш кўзда т тилган. Бунга биноан шу йил нинг февраль ойида 53699 мин сўм марказлашган кредит ви лоятдаги дон маҳсулотлари ишл лаб чиқариш корхоналарига бе рилди. Улар ўз навбатида маб лағларни хўжаликларга етказиб берди. Бу табиийки, давлати нинг ғаллачиликка алоҳида эътибор бериб, тармоққа ҳам ҳурлик қилаётганидан далолат беради.

Президентимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг белгилаб берилган бешта тамойилларидан бири — бу барча соҳаларда қонуннинг устиворлигидир. Шу боис республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси қатъий назорат қилиниб, улар ишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Биз ҳам фаолиятимизни шу тартибда ташкил қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Мижозлар билан ишларимиз шартнома асосида амалга оширилади.

Кредит бериш фоизлари кейинги пайтда камайиб боришига эришиляпти. Масалан, ўтган йилнинг бошида бу кўрсаткич 165 фоиз бўлган бўлса, октябрь ойидан бошлаб у 76 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга мижозларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ошиб бораяпти. Юқорида таъкидлаганимиздек, асосий хизмат вазифамиздан ташқари уларга фармон ва қарорларнинг моҳияти тушунтирилиб, бу борада зарур маслаҳатлар берилмоқда. Айниқса, кредитор-дебиторлик қарзларини камайтиришда катта ҳисса қўшмоқдамиз. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, янада ойдинлашади. 1995 йил 1 январида вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг дебиторлик қарзи 368 миллион сўм, кредиторлик қарзи 547 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, шу йилнинг 1 январига келиб дебиторлик қарзлар 270 миллион сўм, кредиторлик қарзлар эса 290 миллион сўмни ташкил қилди. 17200 минг сўмлик тўлов воситаси сифатида векселларнинг чиқарилиши ҳам қарзларнинг камайтирилишида алоҳида роль ўйнади.

Ҳуллас, иқтисодиётни барқарорлаштириш, мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштириб бориш, уларнинг таклиф-истакларини ҳисобга олиб, хизмат турларини кўпайтириш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Бу борада барча ишлар амалга оширилмоқда.

Акмалхон УМАРОВ,

вилоят дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмасига қарашли «Ризқ» иссиқ нон ишлаб чиқариш ва савдо кичик корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз ўтган йилнинг март ойида ташкил қилинган. У замонавий чет эл жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, кунига 2,5 тоннагача нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона айни пайтда тўла қувват билан фаолият кўрсатяпти. Аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб 8-12 хил турдаги маҳсулот дуконларга чиқарилмоқда. Маҳсулотларни — корхона ихтиёридаги дуконларда сотаётганлигимиз боис пул ўзимизга келиб тушяпти. Биз ҳар кунлик тушумларни банкка топширяпмиз. Ишимиз ёмон эмас. Корхонанинг иқтисодий аҳволи ҳам яхшиланиб бормоқда.

Ишимиздаги муваффақият омилларидан бири бизга яхши банк хизмати кўрсатилаётганлигида деб биламиз. Тўғриси, «Ғаллабанк»да ҳисоб рақамларимиз очилиб, унга мижоз бўлганимиздан ҳурсандмиз. Корхона ташкил қилингандан кейин биз мазкур банкни танлаган эдик. Хато қилмаган эканмиз. Муассасада хизмат кўрсатиш даражаси юқорилиги, ходимларнинг хушмуомалалиги, уларнинг маданияти, у ердаги тартиб-интизом, тўғриси, бизни ҳам шундай ишлашга даъват қилиб туради.

Акбарали ҚАМБАРОВ,

«Наманғаннон» жамоа корхонаси бош бухгалтери:

— Корхонамиз ҳар куни 30 тоннага яқин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Шу билан бирга қандолат, макарон маҳсулотлари ҳам чиқариляпти. Корхонанинг иқтисодий аҳволи ёмон эмас. Аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Энг муҳими, маҳсулотлар одамларга манзур бўляпти. Жамоамиз 1994 йил сентябрь ойида, яъни «Ғаллабанк» ташкил бўлган дастлабки пайтида ўзида ҳисоб-рақамларини очган эди. Шундай қилиб, корхонамиз банкнинг биринчи мижозларидан ҳисобланади. Биз банк хизматидан ниҳоятда мамнунмиз. У ерда нақд пул ҳар дим бўлганлиги сабабли одамларга иш ҳақи ва мукофот пулларни ўз вақтида бериб бориляпти. Ҳуллас, мазкур муассаса шу банкнинг талабига жавоб беради. Бизга замонавий банклардан ҳеч қаноатланади.

Суҳбатни «Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири Ҳосил КАРИМОВ ёзиб олди.

СТЕВИЯ - ҚАНДГА БОЙ ЎСИМЛИК

Серқуёш Республикамизнинг бирқанча вилоятларида тажриба тариқасида Украинадан келтирилган стевия ўсимлиги устирилмоқда. Стевия беш йиллик ўсимлик бўлиб, ундан бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш мумкин. Унинг қуритилган баргидан порошок, паста ва суюқ концентрат ҳолидаги ширин стевиазия модда олинади. У шакар ўрнида ишлатилади. Ундан ширин ичимликлар, кондитер маҳсулотлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Айниқса бу моддани тиббиётда қўллаш яхши натижа бермоқда. Қандли диабед касали билан оғриган беморларни даволашда стевия ўсимлиги катта аҳамиятга эга. Америка, Япония, Украина ва Узбекистонда ўтказилган тиббий тадқиқотлар стевиазиднинг инсон организми учун мутлақо зарарсиз эканлигини кўрсатди. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, стевия ўсимлигини етиштириб ундан стевиазид моддасини ажратиб олишни йўлга қўйиш халқ хўжалигига жуда катта фойда келтиради. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бир гектар майдонга экилган стевия агарда бир тонна қуруқ барг берса, ундан ўн фоиз стевиазид модласи олиш мумкин. Бу эса 10 гектар майдонда етиштирилган қанд лавлагининг ўрнини босади. Агарда стевиазид ва қанднинг ширинлик даражасини солиштириб кўрадиган бўлсак, стевиазид қандга нисбатан 150 баравардан ортиқ ширин экан. Айни кунларда кўп йиллик бу усимликни олимларимиз томонидан ўрганилиб, юртимизда устириш ва халқ хўжалигида самарали фойдаланиш борасида мақтаса арзигулик ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент вилоятида «Уструшона» уқув ишлаб чиқариш тижорат марказида стевия ўсимлигини устириш ва кўпайтириш борасида бирмунча ишлар қилинди. Бу борада «Уструшона» уқув ишлаб чиқариш-тижорат маркази раҳбари Мавлуда Жумаева, ходимлардан Ўғилой Фахриддинова ва 30 йилдан ортиқ гулчилик билан шуғулланиб, бой тажриба орттирган Абдували Исомуҳаммедовларнинг амалга ошираётган катта ишлари ҳар қанча мақтаса арзигулик.

СУРАТДА: стевия кўчатларини ўтказиш пайти. Р.НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ТОЛАСИ КЎП, ТЕЗ-ПИШАР НАВЛАР — ПАХТАКОР ТАЛАБИ

Муаммо, таҳлил, таклиф

Республика иқтисодиётини тараққий эттиришда пахтачиликнинг аҳамияти ниҳоятда чексиздир. Пахтачиликни ривожлантиришга экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки ички имкониятларни излаб топиш, фан ютуқларини кенг жорий этиш асосида ҳосилдорликни ошириш ва тола қўпайтириш эвазига эришмоғимиз керак.

Маълумки, кейинги йилларда Узбекистон бўйича урта ҳисобда гектарига 8 центнер атрофида тола олинмоқда. Ғўза селекцияси ва ўруғчилиги ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 11-12, айрим давлатларда ҳатто 14-15 центнерни ташкил этмоқда. Агар тола чиқимини республика бўйича бир фоизгина оширишга эришилса, қўшимча 40 минг тонна, борди-ю 5-6 фоизга оширилса 200-240 минг тонна хом ашёга эга бўламиз. Боз устига шунча миқдордаги тола етиштириш учун ер қўшимча ишчи қучи, минерал ўғит ва ёқилғи сарфланмайди.

Ҳозирги вақтда тола чиқими кам бўлган ғўза навларини катта майдонларда экиш натижасида давлатимиз ҳар йили ўртача 170-180 минг тонна пахта толасидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Бу жуда катта йўқотишдир. 5-10 йилда-чи? 1,5-2 миллион тонна тола йўқотилди, дегани.

Республика қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама тараққий эттириш учун бизнингча, қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз айтганидек, АГРОФИРМАлар тузиш, бунда илмий ва иқтисодий асосли гояларга таяниш қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда ҳал қилувчи дастур бўлиб қолади. Бунга эришиш учун ғўзанинг тезпишар, серҳосил, кўп ва сифатли тола берадиган, кўсаги қисқа муддатда очиладиган, ҳосилини узоғи билан 20 октябргача териб олиш мумкин бўлган, вилт ва ҳар хил касалликларга чидамли, агроиқлимга мослашган, меҳнат ва ёқилғини кам талаб қиладиган ўсимлик навларининг ўзига хос агротехникасини ишлаб чиқишни жадаллатиш лозим.

Шундай навлардан бири «Юлдуз»дир. 1994-1995 йилларда бу навни эккан Қашқадарё вилоятининг Китоб, Қамаши туманларидаги хўжаликлар-сентябрь ойидаёқ пахта тайёрлаш режаларини 1,2-1,4 баравар бажардилар. Аммо айрим мутасаддилар яхши навлар, шу жумладан «Юлдуз»ни кўплаб майдонларга экишга тўсқинлик қилиб келмоқдалар. Вилоятда 1995 йили жами 75 минг гектар ерга экилган «108-Ф», «С-6530» ва «Наманган-77» навларининг гектаридан ўртача ҳосилдорлиги 23,3 центнерни, 35267 гектар ерга экилган «Бухоро-6» навидан гектаридан 24,6 центнер ҳосил олинган ҳолда 53 минг гектар атрофидаги майдонда етиштирилган «Юлдуз» ғўза навининг ҳосилдорлиги 26,7 центнерни ташкил қилди. Боз устига «Юлдуз»нинг қимматли хўжалик белгиларини олсак, у ҳолда ушбу нав бир қанча устунликларга эга эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Биринчидан, «Юлдуз»нинг толаси ниҳоятда оқ. Ливерпуль биржасида юқори баҳоланган, ғузаси ўта ҳосилдор, машина теримига жуда қулай. Иккинчидан, тезпишар туплаган барча қўсаклари ҳосилини сентябрь ойидаёқ териб олиш мумкин. Буни Қашқадарё ва бошқа вилоятларнинг кўплаб бригада ва хўжаликлари, ҳатто туманлари фаолиятида кўриш мумкин. Учинчидан, «Юлдуз» юқорида курсатилган ғўза навларига нисбатан 3-4 фоиз кўп тола беради. Ваҳоланки, республикадаги айрим пахта заводлари 28-30 фоиз атрофида тола олиш билан йилни якунламоқдалар. Бир қанча йиллардан буён асосий майдонга «Юлдуз» нави экилаётган Қамаши, Ғузор, Яккабоғ туманларидаги пахта тозалаш заводларида эса олинаётган тола йил охирига бориб ўртача 35-36 фоизга етмоқда.

Шунингдек, ушбу нав ҳосилини август-сентябрь ойларидаёқ йиғиштириб олиб, кузги ғалланы эрта кузда экиш имконияти яратилади. Масалан, китобликлар ғалласи йиғиштирилиб олинган ерларга «Юлдуз» навини экиб кўзда тутилган режани ошиғи билан бажардилар.

Шу қаторда «Меҳр», «Ан-Чиллаки», «Тошкент-6» ва бошқа тезпишар навларни ҳам айтиш мумкин. Тажрибаларимиз кўрсатишича, ҳосилни сентябрь ойидаёқ териб олиб, кузги ғалла экиш ва келаси йили дон саранжомлангач, даланинг бир қисмида яна тезпишар ғўза навларини парваришлаш имкони яралади. Демак, тезпишар навлар билан айнан бир ернинг ўзидан йилига икки ҳосил — ҳам пахта, ҳам дон олишини таъминлайди; тупроқ унумдорлигини оширади, уни соғломлаштиради. Энг муҳими, тола чиқиши юқори бўлган ғўза навлари кенг қўлланса, экин майдонини кенгайтирмай, қўшимча маблағ сарфламасдан қўпроқ тола олишга эришилади.

«Юлдуз», «Меҳр» ва «Ан-415» навлари (давлат нав синаш тармоғининг маълумотига қараганда 39,6-41,4 ва 38-40) режадагидан ўртача 7 фоиз кўп тола беради. Демак, бу навлар экилса, республика бўйича пахта етиштирилаётган майдонлардан 180-200 мин тонна қўшимча тола олиш мумкин. Бу 170-180 минг гектар ердан олинадиган хом ашёга тенгдир.

Яна бир таклиф шуки, бутун дунёда қабул қилинганидек тола ўлчовига ўтиш лозим. Айтайлик, республикада чигитни бир миллион уч юз минг гектар ерда жойлаштирган ҳолда тола чиқишини ҳар гектарига тўққиз яримун центнерга етказсак, 1.235-1.300 минг тонна атрофида тола олиш имконини яратган бўламиз. Бошқача айтганда, пахта тозалаш заводларида тола чиқими камида 36-37 фоизга етади. Қолган майдонларга бошқа экинларни бемалол жойлаштириш имконига эга бўламиз.

Ҳар йил бошланиши биланоқ юртимиз эҳтиёжига ва четга қанча тола кераклигини ҳисобга олган ҳолда хўжаликларга ер майдонига қараб тола ҳисобида аниқ буюртма бериш керак. Шундай қилинса, хўжаликлар қўпроқ тола берадиган ғўза навларини парваришлайди. Бунинг давлатга ҳам, хўжаликка ҳам нафи жуда катта.

Ҳосилдорликни ва тола сифатини яхшилашда сифатли уруғ тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, ҳозирги вақтда уруғчиликнинг аҳволи яхши эмас. Бу соҳада юқори даражадаги элита-уруғчилик хўжалигини тузиш мақсадга мувофиқдир. Элита хўжаликларини деҳқон (фермер) хўжаликлари қаби агрофирма таркибига киритиб, зарур ускуналар ва юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларга яхши ҳақ туланишини йўлга қўйиш зарур. Агрофирма йирик бирлашма бўлиб, унинг таркибига уруғ билан таъминловчи элита хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, машина-трактор парки, пахта тозалаш заводи, тола сифатини аниқловчи мустақил лабораториялар киради. Улар иш юритишнинг янги шаклида рағбатлантириш ва қизиқтириш йўли билан барча ишчи турлари уруғларини бутунлай яхшилаши мумкин.

Яна бир муҳим тадбир шуки хўжаликларда фақат тезпишар, серҳосил, тола сифати ва чиқими юқори бўлган ғўза навларини жорий қилиш билан бирга, ғўза, беда, ғалла-ғўза, шунингдек, дуккакли, сабзавот-полиз ҳамда озуқабоп экинларни муттасил алмашлаб экиш технологиясини қўллаш зурур. Шу асосда тупроқ таркибини яхшилаш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мумкин. Бу кейинчалик ҳеч қандай меҳнат сарфисиз қўшимча равишда яна 250-300 минг тонна тола олинишини таъминлайди. Айни пайтда алмашлаб экиш орқали ғалла, сабзавот-полиз ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари кўпаяди, чорвачилик ривожланади.

Селекция ва уруғчилик бўйича қонунлар, Низом ва дастурлар ҳамма ерда ҳаракатда бўлишига, уларнинг изчил амалга оширилишига, айни пайтда фан ютуқлари тезкорлик билан тадбиқ этилишига эришишимиз шарт. Шундагина иқтисодиётни кесин кўтариш, пировард натижада юксак натижаларга эришиш мумкин. Бу ўринда халқимизнинг «Чумчуқ суйса ҳам қасоб суйсин», деган нақлига амал қилиб ҳар соҳанинг билимдон мутахассисларига таянган ҳолда бамаслаҳат иш кўриш жоиз.

Қишлоқ хўжалигига, айниқса, хусусийлашган деҳқон (фермер) хўжаликларига хизмат кўрсатиш корхонаси (агрофирма-сервис) ни тараққий эттириш учун, шахсий фирмалар кичик-кичик ҳайдов тракторлари билан таъминланишини, ўсимликлар биологик усулда ҳимоя қилиниши, тупроқ ва экин ҳолатига қараб ерга солинадиган ўғит ва микроэлементларнинг меъёрларини аниқловчи лабораториялар ташкил этилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бундай лабораториялар талабнома, қатъий жадвал асосида иш юритиш керак.

Вилоят ва туманларда ғўза ва бошқа экинларнинг рентабеллигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда тола ҳажмини кўпайтириш — буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда асосий омилдир. Шунда ҳар бир хўжалик ўзи етиштираётган тола ва бошқа маҳсулотлар билан барча харажатларини тўла қоплайди. Сердаромад хўжаликка айланади. Натижада аҳолисининг турмуши янада яхшиланади, Узбекистонимиз қудратли, бой давлатга айланади.

Яқинда Узбекистон Республикаси Президентининг эълон қилинган «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шубҳасиз, соҳани жадал ривожлантиришга йўл очади. Ушбу фармон

ЧЎПОН ҚУВОНЧИ

Куни кеча Қушработ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Толлибой Отаев бизга бир хушхабарни етказди.«Қушработ баҳори, ҳар доимгидек, чорвадорларимизнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди, - деди у. - Шу кунларда отарларимизда қузилатиш мавсуми қизғин палласига кирди.Яқинда туманнинг илғор чорвадорларини, мутахассису раҳбарларини йиғиб, мавсумни муваффақиятли ўтказишга, совлиқлардан соғлом ва қўплаб эгиз қузи олган чўпон-чўлиқларимизни ҳар тамонлама рағбатлантиришга келишиб олган эдик. Кўкламги тадбирлар ўзининг илк самарасини бера бошлади. Ҳар бир хўжаликда, бўлим ва отарларда масъул кишилардан иборат бўлинмалар ташкил этганмиз. Улар чўпонларимизга ҳар қандай шароитда ёрдам кўрсатишга ҳозирунозир...»

— Дастлабки натижалар бўйича илғорлар кимлар, иложи бўлса, номларини айтсангиз.

— Очил Қодиров номли ижара-давлат хўжалигининг бош чўпони Сайфулла Раббимов. У мавсум илғорларининг сардорларидан бири. Ҳозиргача отаридаги саксон фоиз совлиқлар қузиладди. Сайфуллажон 500 бошдан зиёд она қўйнинг ҳар юз бошидан 103 тадан дуркун қузи олишга ният қилган. Мен куни кеча унинг отарида бўлиб қайтдим.Айтганча, уни катта мукофот кутаяпти.

— Қанақа мукофот?

— Ҳозирча бу сир, — дейди ҳоким ўринбосари. - Ҳарқалай, тўл натижаларига қараб, чўпонларимизни рағбатлантирамиз...

Жиззах вилоятининг Фориш тумани яйловларида ҳам баҳор манзараси меҳнат ютуқлари билан сайқал топаяпти. Азал-азалдан чорвадорликни улуғлаб келаётган туман меҳнат аҳли шу кунларда қузилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказишяпти. Чунончи, Мусоқул Оролов номли хўжаликда совлиқлардан тўл олиш қизғин давом этмоқда. Донгдор чорвадор Абрал Жумашов бош чўпонлик қилаётган отарда бу тадбир ниҳоясига етай деб қолди. Натижа чакки эмас. Қувончлиси шундаки, ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қузи олинди.

... Чўпон баҳори... Бу баҳор меҳнат сурури билан янада гўзал ва файзиёб. Илоҳим, шундай бўлсин!

Абдулла ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТДА: форишлик чўпон Абрал Жумашов ва унинг отари. Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АКЦИЯ — ДАРОМАД МАНБАИ

Ҳар бир жамоанинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам кўп жиҳатдан раҳбарнинг ташкилотчилик, уддабуронлик ва ишбилармонлик қобилиятига боғлиқ. Ҳаётда «олма пиш, оғзимга туш» дегувчи боқиманда раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Аммо, Маратжон Аҳмедов янгиликка жуда қизиқувчи, ислоҳотларга дадил киришувчи қобилиятли, ташкилотчи раҳбар эканини жамоага кўрсатди. У мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақидаги қарорни жамоа йиғилишида ўрганиб чиқиб, таъминот базасини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш таклифини қўйди. Жамоа йиғилиши бу таклифни маъқуллаб, қарор қабул қилди. Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят бошқармасининг 1994 йил 12 декабрдаги 0918-рақамли буйруғи билан Марғилон туманлараро «Ўзагрокимёсервис» таъминот базаси очиқ турдаги акционерлик жамиятига ўтказилди. Ислоҳот бир йилдаёқ самарасини берди, акциялар катта даромад манбаи эканини жамоа аъзолари ўз кўзлари билан кўриб, чексиз қувонмоқдалар. Ҳозирги кунда акциядорлар мулкнинг 75 фоизига эгалик қилмоқдалар. Бу корхоналар орасида энг яхши кўрсаткич эканлигини Фарғона вилоят инвест компанияси бошқармасининг раҳбарлари айтишди.

— Биринчи йили Марғилон туманлараро «Ўзагрокимёсервис» ҳиссадорлик жамиятининг низом фонди 433862 сўм қилиб белгиланди, — дейди шу жамият раиси Маратжон Аҳмедов. — Бундан давлатга 25 фоиз, меҳнат жамоасига 41 фоиз, эркин сотувга 34 фоиз улуш ажратилди. Номинал қиймати юз сўмдан бўлган 4339 дона акция чиқарилди. 1995 йил 1 январгача жамият аъзоларига ажратилган 41 фоиз акцияни-нг ҳаммаси сотиб бўлинди. Чунки олинадиган даромад акцияларнинг сонига боғлиқ эканини ишчиларга обдон тушунтирдик, акцияга қизиқувчиларнинг сони янада кўпайди. Эркин сотувга чиқарилган 34 фоиз акциянинг 20 фоизини нақд пулга, қолган 80 фоизини пул ўтказиш йўли билан жамоага «Карвон инвест» орқали сотиб олдик. Меҳнат жамоасининг жамиятдаги улуши 75 фоизга кўтарилди. Акциялар жамоанинг ҳар бир аъзосига иш стажи, маош миқдорига, хоҳишига қараб тақсимланди. Бу борада норозичиликлар бўлмаслиги учун махсус комиссия тузилиб, ҳар бир акциядорнинг улуши белгилаб берилди.

Ўзагрокимёсервис» уюшмасига қарашли Марғилон туманлараро ҳиссадорлик жамияти раиси Маратжон Аҳмедов;

1996 йилга келиб асосий низом жамғармамиз 2897768 сўм бўлиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 700 сўм қилиб белгиланиб, 4139 дона акция чиқаришга қарор қилинди. Шу йил 23 февралда вилоят адлия бошқармасидан яна қайтадан рўйхатдан ўтказилди. Меҳнат жамоасига 75 фоиз — 2173326 сўм, давлат улушига 25 фоиз ёки 724442 сўм ажратиладиган бўлди.

Утган йил якунига тўхталадиган бўлсак, акционерлик жамияти эркин хўжалик юритиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Тадбиркорлик ва омилкорлик билан фаолият юргизиб, иш жараёнида юзага келаётган барча муаммо ва қийинчиликларни ўзимиз ҳал этмоқдамиз. Ҳар йил баҳорги чигит экиш даврида азот ўғитлари тақчил бўларди, хўжаликларга вақтида етказиб бера олмасдик. 1996 йил баҳорида қийинчиликлар такрорланмаслиги учун етарли миқдорда режадаги минерал ўғитларни, химикатларни омборларга жамғардик, чигит экишнинг айни қизғин палласида хўжаликлар ўғитларни олиб кетишмоқда. Жамиятимиз Охунбобоев номли, Ёзёвон, Фарғона, Қувасой, Тошлоқ туманларидаги 90 дан ортиқ жамоа хўжаликларига азотли, фосфорли ўғитларни, бутун вилоят бўйича хўжаликларга химиявий дориларни етказиб беради. 1996 йилга 78508 тонна азотли, фосфорли ўғитларни келтириб сотиш режалаштирилган. Шу йил биринчи кварталда чигит экиш олдидан хўжаликлар 10230 тонна аммиак селитра, 2388 тонна карбомид, 3450 тонна суперфосфат олиб кетдилар.

Утган йили хўжаликларга 14333 тонна фосфорли, 34455 тонна азотли ўғитлар ҳамда 39380,2 минг сўмлик химикатлар етказиб берилган эди. Режалаштирилган товароборот 148 миллион сўм ўрнига 148 миллион 971,3 минг сўмга бажарилди. Товароборотдан олинган даромад 21600,4 минг сўмни ташкил этди, рентабеллик 28,6 фоизга тўғри келди. Жамиятнинг соф фойдаси 13158 минг сўмга етди. Бу фойдадан бюджетга ва юқори ташкилотимизга ажратмалар чегириб олингач, жамоа ҳисобига 5970,2 минг сўм фойда қолди. Бундан йил якуни бўйича акцияларга 3582,1 минг сўм дивидент тўланди ёки ҳар бир дона акцияга 865 сўм фойда тўғри келди. Акциялар ишчи, ходимнинг иш стажига, ўз хоҳишига қараб тақсимланган эди, қизиғи шундаки, акциялар берилаётганда пулдан қизғаниб, ўнтаси ҳам бўлади, деганлар энди катта даромадни кўриб эссиз кам олган эканман, деб афсусланишди.

Мана, кўп акция олганларни мисол келтирсак, қанча маблағга мулкдор бўлганини ҳис этасиз. Химикатлар омборида 27 йилдан бери юк тушираётган Умар Фозилов 78 дона акция сотиб олган эди, унга 67530 сўм дивидент тўланди. 21 йилдан бери меҳнат қилаётган ишчи Комил Орипов 71 дона акция олган эди, 61460 сўм фойда кўрди, 26 йиллик стажга эга бўлган ҳайдовчи Тожибой Бобораҳимов 69 дона акция эгаси, эди. 59730 сўм дивидент олди, 68 дона акция эгаси кекса ишчи Мирзаолим Шерматов 58870 сўм мулкка эришди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг кам акция олган ходим 25—30 минг сўм фойда кўрди. Шу сабабли меҳнаткашларнинг ўз жамоасига меҳри, садоқати кундан-кунга ортиб бормоқда, мулкка эгалик ҳисси ютуқларни кўпайтирмоқда, меҳнат унумдорлиги эса тобора ортаяпти. Натижада жамоа аъзоларининг ойлик маошлари ўсмоқда. Бир ишчининг ўртача йиллик маоши 21721 сўмга тўғри келди.

Ҳамма нарсани пул ёки мол билан ўлчаб бўлмайди. Жамоа учун энг муҳими соғлом муҳит, бирлик, дўстлик, истиқлолга чин фидойилик керак, — дея суҳбатни давом эттирди раис. — Президентимиз юртим, элим деб ёниб, куйиб яшайдиган фидоий инсонлар кераклигини такрор-такрор айтмоқда. Бизнинг жамоамизга мустақилликка садоқатли кишилар тўпланган. Уларнинг бир-бирига жонкуяр, иноқ, аҳиллигини базага юк ортилган вагонлар кириб келганда кўп марта синаганман. Тиғиз иш пайтида мен раҳбарман ёки бригадир, ҳосилотман, деб ҳеч ким қўл қовуштириб ўтирмайди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишга енг шимаради, вагонларни тезроқ юклардан ҳоли қилишга чақкон киришиб кетадилар. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганларидек, жамоанинг бирлигидан ҳар қандай қийин, мушкул иш енгилади, юклар вагонлардан вақтида туширилади, вақтида ортилади, темир йўл транспортининг бекор туришига йўл қўйилмайди. Агар юкчилар айёр бўлса жаримадан боши чиқмайди. Бизда катта-кичик ҳамма меҳнатсевар, бош ҳосилот, касаба уюшмаси раиси Райимжон Холматов, бош ҳисобчи, назорат комиссияси аъзоси Жаббоpали Мамадбеков, юкчилар бригадаси бошлиғи Урайим Маматов ишчиларга бош-қош бўлиб, юкларни туширтирадилар. Юкларни туширишда, ташишда ва ортишда ишчи Сайдали Розиқов, Муҳаммад Жалилов, Рустамжон Норматов, Ботирали Қучқоров, «К-700» юклагич машинаси ҳайдовчиси Холмат Олимов, унинг сменадоши Абдуманнов Ибрагимов тез-чаққон ишлаб, жамоага ибрат кўрсатмоқда.

Ҳа, тадбиркор, камтарин, ишга чечан Маратжон Аҳмедов раислик қилаётган бу ҳиссадорлик жамиятида қайси бир ишчи билан суҳбатлашсангиз, аҳил жамоанинг ҳар қандай вазифани уддалашга қодир эканига ишонч ҳосил қиласиз. Сабаби турли миллат вакилларидан иборат фуқаролар бир-бирларининг ҳурматини жойига қўйиб, иззат-икромда яшаётганликларидадир.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТЛАРДА:
«К-700» юклагич трактори ҳайдовчиси Абдуманнон Ибрагимов (чапда) ва юк ортувчилар бригадаси бошлиғи Иброҳимжон Маматов; Юк ортилган транспортлар жамоа хўжаликларига йўл олган пайт.
Ғ. МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган суратлар.

Касаба уюшмаси ва ижтимоий ҳимоя

МЕҲНАТКАШ КЎНГЛИНИ ОЛИБ

«Янгийул» агрофирмаси ўз тизими ва таркиби жиҳатидан республикада ягонадир. Унга «Янгийул», «Янгиобод», Навоий номли хўжаликлар ва йирик виночилик корхонаси ва бир қатор шохобчалар бириккан.Бу йирик хўжалик боғдорчилик, узумчилик ҳамда неъматларни қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланади. Мазкур агрофирма қийин шароитга қарамай юксалиш сари дадил одимламоқда. Тадбиркорлиги туфайли хорижий мамлакатлар билан кенг мулоқотлар йўлга қўйилди. Жаҳон бозорига чиқиш учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида дастлабки қадамлар ташланди.Агрофирма маҳсулотлари халқаро кўргазмалардан ўрин олмоқда. Бу интилишлар янада кўпроқ моддий бойлик яратишга асос бўлмоқда. Яқинда ана шу йирик корхонада жамоа шартномасига бағишланган йиғилиш бўлди.Агрофирма касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Бахтиёр Фозиловга ва бошқа нотиқлар жамоа шартномасининг ижросини таъминлаш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олиб борилган ишлар хусусида тўхталдилар.Жамоа шартномаси бандларининг бирида оғир ва ўта зарарли шароитда ишлайдиган ишчиларга қўшимча ҳақ тўлаб бориш таъкидланган эди. Шартномага бу ҳақда Низом илова қилинган. Касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси билан ўтган йили ҳар ойда бир марта шанбалик ўтказиб борилди. Ундан тушган маблағ касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобига ўтказилди.Бу пуллар ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарф этилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида оилаларда моддий жиҳатдан қийналишлар содир бўлиши табиий ҳол. Шундай пайтларда бу маблағлар иш беради. Яна кам таъминланган, кўп болали оилаларга ҳам шароитга қараб шу маблағдан мадад бериб турилди.

Меҳнат таътиллари юзасидан ҳам Низом ишлаб чиқилди. Кўп болали, 12 ёшгача икки ва ундан кўп фарзанди бўлган оналар таътилларига қўшимча 12 кун қўшиб берилди. Шунингдек, соғлиққа зарарли ва оғир меҳнатли жараёнда ишловчиларга ҳақ тўланадиган 12 таътил куни қўшилди. Умуман жамоа шартномасида ижтимоий ҳимоя орқали оналарни эъзозлаш, уларга енгилликлар яратиш, болалар тарбияси масалаларига масъулият билан ёндошилган.Чунончи қишлоқ хўжалигида ишловчи аёлларга маоши тўла сақланиб қолган ҳолда шанба кунлари 4 соатлик иш куни белгиланган. Уч ва ундан кўп фарзанди бўлган оналар мактабгача тарбия муассасаларига тўловнинг 50 фоизини тўлайдилар. Соғлиққа зарар келтириш мумкин бўлган жараёнларда ишловчи бўлажак оналарга ҳомила беш ойлик бўлганда алоҳида таътил беришга келишилган.

Яна бир қувончли воқеа. Навруз байрамида 140 ўринли янги болалар богчаси кичкинтойларни қабул қилиб олди.

Агрофирмада товар айрибошлаш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархда олиб келиб ишчи-хизматчиларга тарқатиш ҳам анъанага айланган. Корхонада 20 йилдан кўп ишлаган ишчи-хизматчиларга бир йилда бир марта санаторийга бепул йўлланма берилади.Утган йили 6 нафар киши шундай йўлланма билан соғлигини мустаҳкамлади.

Соғлиққа зарар шароитда ишловчиларга ҳар куни сут бериб бориш қатъий қилиб қўйилган. Шунингдек маълум жараёнлар махсус коржомалар ва якка ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Ишчи-хизматчиларни ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш ҳам жамоа шартномасидан ўрин олган. Унда кўп йиллар ишлаган, илғор ишчи-хизматчиларга имтиёзлар яратиб бериш таъкидланади.Касаба уюшмасининг бевосита кўмаги билан ўтган йили 4 оила янги уйларга кўчиб кирди, 32 кишига якка тартибда уй қуриш учун ер ажратилди.

«Янгийул» агрофирмаси ҳиссадорлик жамиятига айланди. Шу муносабат билан 35 фоиз акциялар корхонага ажратилди.Чунончи, бу- ҳар бири 500 сўм қийматга эга бўлган 14618 акциядир. Кўп йил унумли меҳнат қилган ишчи-хизматчиларга 192 дона қимматбаҳо қоғозлар бепул берилди, 305 донаси эса 50 фоиз нархда тарқатилди. Айни кунда акцияларнинг бир қисми биржа орқали 2000 сўм баҳода сотилмоқда.Айрим ишчи-хизматчилар баъзи сабабларга кўра бу қимматбаҳо қоғозни сотиб олишолмадилар. Корхона маъмурияти акцияларнинг бир қисмини сақлаб, шу вақтгача олишга имкони бўлмаган ишчи-хизматчиларга бериш ҳаракатини қилмоқда.Қимматбаҳо қоғозлар уларга бошланғич нарх 500 сўм ҳисобида берилади. Чунки бундан кейин даромаднинг бир қисмини улар акциядан келган девидентлар ҳисобига қўришлари керак. Ахир меҳнат қилган киши фойдасини ҳам олиши керакда. Натижада у корхона эгаларидан бирига айланади ва иш самараси, пировард натижа учун масъулияти ошади.

Будир ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот маркази мудири.

ТРАНСПОРТ, ЭКОЛОГИЯ, САЛОМАТЛИК

Баъзи одамларнинг хатти-ҳаракати ўзи ўтирган шохни арралаётган Афандига ўхшайди. Айримлар ўзи яшаб келаётган қурраи заминни бокира, мусаффо сақлаш ўрнига беихтиёр уни ифлос қилмоқда. Инсон истеъмол қиладиган ичимлик суви яроқсиз ҳолга келиб қолди. У нафас олаётган ҳавонинг таркибида заҳарли газлар ҳиссаси ошиб кетган. Биз экиб, устираётган неъматлар ҳам экологик жиҳатдан унчалик тоза эмас. Натижада турли касалликларнинг инсонга ҳуружи тобора кучаймоқда. Ҳавони бўлғашда транспортнинг ҳиссаси айниқса юқорилир. Оддий автомашина бир литр ёнилгини сарфлаш давомида 4—5 баравар кўп ҳавони ёқиб, заҳарликларга айлантириб, атмосферага қўшади. Энди самолётларни, локомотивларни ҳар дақиқада қанчалар ҳавони заҳарлаётганлигини тасаввур қилаверинг. Атроф муҳитни соф-покиза сақлаш бугун барча мамлакатлар олдида турган долзарб муаммодир. Куни кеча «Экосан» халқаро жамғармаси «Узавтотранс» корпорацияси, ИИВ ва Тошкент автомобиль-йўл институти ҳомийлигида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу муаммога бағишланди. Халқаро саломатлик куни муносабати билан ташкил этилган бу анжуман «Соғлом шаҳар, соғлом ҳаёт» шиори остида давом этди. Конференция ишига Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, ИИВ раҳбарлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, концернлар, ДАН, автокорхона раҳбарлари, эколог олимлар, шунингдек қатор хорижий давлатларнинг Тошкентдаги элчихоналари ходимлари, БМТ тасарруфидаги халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияни «Экосан» халқаро жамғармасининг президенти, профессор Ю. Шодиметов кириш нутқи билан очди. У анжуман қатнашчиларига атроф-муҳит ва аҳоли соғлигини ҳимоя қилишда «Экосан» жамғармасининг фаолияти, вазифалари хусусида қисқа, мазмунли қилиб ҳикоя қилиб берди. Сўнгра Тошкент Давлат автомобиль-йўл институтининг ректори С. М. Қодиров, «Экопаритет» қўшма корхонасининг бош директори, профессор Э. Норметов, «Узавтотранс» давлат корпорацияси раисининг биринчи ўринбосари С. Василенко, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В. Конюяхов, «Ўзистиқболстат» бўлим бошлиғи, профессор К. Улжабоев республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев ва бошқа нуфузли мутахассислар, олимлар, автокорхона директорлари сўзга чиқишди. Улар республикамиз йирик шаҳарларида транспорт экологияси муаммоларини ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш усулларини муҳокама қилишди. Анжуманда «Экосан» халқаро фонди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент автомобиль-йўл институтининг атроф-муҳит экологик ҳолати, автотранспорт воситалари шовқинини, уларнинг атмосферага чиқарадиган заҳарли газлар миқдорини камайтириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш ташаббуси анжуман қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Анжуманда транспорт, экология, саломатлик бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Б. ҚАҲҲОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

СОҲИБҚИРОННИНГ СЎНГГИ СЎЗЛАРИ

Улуғ бобомиз Амир Темурнинг насл-насаби, унинг кўп қиррали иш фаолияти, ҳарбий юришлари, авлодлари хусусида адабиётлар жуда кўп. Бу хусусда қатор «Темурнома»лар ҳам мавжуд. Бундай «Темурнома»ларнинг мавжудлиги Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Герман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароннаҳр тарихи» китобида қўрагон уруғ номи, яъни барлос уруғининг бир тармоғи деб изоҳлайди. Аммо кўпгина «Темурнома»ларда Амир Темурнинг аждодлари чингизийлар билан боғланиб, «қўрагон» атамаси эса «хон қуёви» деб изоҳланиб келинди. Бу тўғрида турли хил фикрлар бор. Бизнингча, «Қўрагон» (қўрагон) атамаси «қўрмоқ» феълидан ҳосил бўлиб, қўрадиган, яъни бўлғуси воқеаларни олдиндан кўра оладиган, ўта фаҳм-фаросатли, ўткир зеҳнли, тадбиркор саркарда, амир ва шоҳ деган маъноларни билан боғлангандир. Чунки шу зайлда атамалар қалимги муҳим манбалардан бири бўлган «Девону Луғотит турк»да ҳам мавжуд. Қўрагон, бораган, урагон, келаган, билагон, чопагон, қарагон каби маъноларни акс эттирган атаималардан бири кейинчалик Темур бобомиз номи билан боғланиб кетган бўлса ажаб эмас. Чунки Амир Темурнинг «Соҳибқирон» деб аталиши ҳам бир рамзий маъно бор. Аслида «Соҳибқирон» зўр подшоларга бериладиган лақаб бўлиб, воқеаҳодисаларни олдиндан тўла тушуниб мақсадга эришган олийжаноб инсон, бахтли киши, жаҳонгир деган маънони биллиради.

Амир Темур ҳозирги Ўзбекистон ерини, сўнгра Марказий Осиёни ўзига тўла бўйсундириб улгургач, бошқа чет мамлакатларга ҳарбий юриш қилди. Унинг чет мамлакатларга қилган ҳарбий юриши 1380 йилда Эрондан бошланди. Сўнг Ҳиротни ва Кавказ ортини эгаллади. Олтин Урдага етиб бориб, Тухтамиш хонни Урта Осиёдан қувиб чиқарди. Ироқни қўлга киритди.

Буюк саркарданинг айтишича, қилинадиган ишларнинг ўндан тўққизи маслаҳатлашиш ва режалаштиришдан иборат эди. Ҳамма ишлар пишиқ режали бўлгач, ўзининг навбатдаги ҳарбий юришини Ҳиндистондан бошлайди, сўнгра Туркия, Миср, Сурия мамлакатларига йўл олди.

Соҳибқироннинг Хитойга юриш қилишдан асосий мақсади пайдо бўлаётган хавфни даф қилиш эди. Чунки 1368 йили хитойликлар мўғул сулоласини ағдариб ташлаб, урнига ўзларининг Мин сулоласини юзага келтирган эдилар. Улар ҳатто Мўғулистонни ҳам бўйсундириб олдилар. Бу келгусида Амир Темур қўлга киритган ҳудудлардаги мамлакатлар учун ҳам кўп хавф-хатар солиши мумкин эди. Тадбиркор ва билимдон саркарда буни яхши тушунар ва унинг олдини олиш учун Хитойга юриш қилишга қарор қилди.

Хитойга бўлган ҳарбий юриш 1404 йилнинг қиш ойларида бошланди. 1405 йилнинг 9 январида Утрорга етиб борди. 11 февралда тўсатдан саркарда бетоб бўлиб қолди ва 18 февралда ёруғ дунё билан хайрлашди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанд шаҳри беқиёс гўзаллади, янги-янги бинолар қад кўтарди, боғу роғлар, саройлар, работлар, каналлар, қўприклар, сарҳовузлар барпо этилди. Айниқса, мадрасаю мачитларни айтмайсизми? Самарқанд Темур ҳукмронлиги даврида марказлашган йирик давлатнинг довруғи оламга кетган муҳташам пойтахтга айлантирилди.

Амир Темур нафақат Самарқандда, балки ўз қадами етган барча жойларда бунёдкорлик ишларини амалга оширди, ободончилик ишларига аҳамият берди, оддий халқ аҳволидан огоҳ бўлди, ноҳақ ҳаракатлардан уни асради. Бундай хайрли ишлар буюк давлатпаноҳнинг вафотидан сўнг унинг фарзандлари, набиралари томонидан давом эттирилди.

Айниқса, Улуғбек даврида ободончилик ишларининг, илм-фан масканларининг салмоғи кенг доирада ривож топди. Тарих саҳифаларига назар ташланса, бунга далилларни истаганча келтириш мумкин. Жумладан, Оқсарой қурилиши, Бухорода қад кўтарган масжиду мадрасаларни эслаш мумкин. Улуғбекнинг қилган хайрли ишлари эса жаҳонни лол қолдирди. «Зижи жадидий Қўрагоний» илм-фан бобидаги янги саҳифа, янги ихтиро бўлди. У ҳамон оламаро машҳурдир. Чунки шу зайлдаги буюк ишни бажарган фалакиёт мактаби бугунга қадар юзага келмади, десак муболаға бўлмас.

Соҳибқирон барча соҳада адолатни талаб қилар ва амалга оширар эди. Амир Темурнинг адолатли ишлари хусусида гапирганда, ўз ўғли Мироншоҳга нисбатан қўрилган чорасини келтириш ўринлидир. Гап шундаки, Амир Темур ўзи забт этган Хуросон, Эрон, Ироқ ва Кавказ орти вилоятлари ҳокимлигини Мироншоҳга топшириган эди. Ҳокимнинг баъзи ноҳўя ҳаракати маҳаллий аҳолига ёқмай қолади. Бу хусусда Амир Темурга шикоятлар кела бошлайди. Натижада, Амир Темур масалани чуқур ўрганиб чиқиб, ўғли — Мироншоҳни вилоятларни бошқариш ишидан четлаштиради, адолат ўрнатади.

Темур бобомизнинг жаҳонаро бунчалик катта муваффақиятларга эришишининг асосий сабабларидан бири — унинг ғоят талбиркор, идрокли, ўта фаҳм-фаросатлилиги, инсонпарвар, адолатпарвар булганлигидир. Соҳибқирон давлатни бошқариш ва барча ишларни пухта режалаштириб бориш учун аниқ қўлланма яратди. Бу «Темур тузуклари» номи билан тарихда машҳурдир. «Темур тузуклари»ни ўз даврининг пишиқ ишланган комуси дейиш мумкин. Чунки унда мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги аҳвол аниқ ўз ифодасини топган. «Тузуклар»да ҳарбий бошлиқлар, лашкарбошилардан тортиб, мамлакатни бошқариш, барча-барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, мавқелари, турли олиқ-солиқлар белгилашгача аниқ қўрсатиб қўйилган. Айниқса, ободончилик, боғ-роғ яратиш ишлари билан шуғулланадиган кишиларнинг меҳнати алоҳида қадрланган.

Амир Темурдаги энг юксак хусусиятлардан яна бири — ундаги меҳр-шафқатлиликдир. У ҳар қандай душман бошпаноҳ истаб келса, меҳр-шафқат, мурувват кўрсатар эди. Бу буюк зотнинг кўп сонли меҳрибонликларидан бири — машҳур қонун, яъни «Темур тузуклари»да ўзининг аниқ ифодасини топган:

«Менга ёмонлик қилган, ҳийла-макр ишлатиб, жанг майдонида менга қарши қилич ялангочлаган Бадахшон амирлари, турку тожик қўшиналарининг баъзи амирлари қилган қинғир ишларидан кўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб, илтижо билан менинг паноҳимга келганларида, уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва хайрли эҳсонларимни кўриб, ўзлари шарманда бўлдилар».

Амир Темурнинг барча муваффақиятларининг асосийси унинг ўзи қайд этганидек, Аллоҳга сидқидиллан ишонч ва ихлос қўйиш, ҳар бир воқеа-ҳодиса хусусида чуқур фикрлаш, мушоҳада юритиш ва ақлий хулосалар чиқариш, ҳалол ва пок, тўғри сўзли ва адолатли бўлиш, китобни севиш, уни тушуниб мутолаа қилиш, ва ниҳоят энг сўнггиси қилич зарбидан фойдаланиш ташкил этган. Амир Темурнинг айтишича, қиличдан фойдаланиш энг сўнгги чора-тадбир бўлиши лозим.

Амир Темур шеърият ихлосманди бўлган, шеърий асарларини севиб ўқиган. Аммо унинг ўзи махсус шеърлар ёзиб девон тузган эмас. Биз унинг ўгитларини қўздан кечира туриб, ўз рақиби Амир Ҳусайнга ёзган бир туркий байтига кўзимиз тушиб қолди. Уни ҳали кўпчилик ҳамюртларимиз ўқиб улгурмаган бўлишлари мумкин:

Ёрга етқур сабо, ким макр қилмишдир манга,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.

Амир Темур ўз авлодларига, меросхўрларига қилган васиятида уларга мурожаат қилиб, «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир... Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин» деган эди. Амир Темур васиятида қайд этилган бу муҳтабар сўзлар бизнинг давримиз учун ҳар жиҳатдан фойдалидир. Демак, бобокалонимиз пайғамбарона ўгитларни битиб қолдирган.

Соҳибқирон Амир Темур юқоридаги сингари васиятни айтар экан, «Тузуклар» ва «Ўгитлар»га тўла амал қилишларини сурайди ва «Бизларга содиқ қолсангиз, тош бошингизга тушмас...» дейди. Ана шу «Васият»да ҳам конституция ва қонун тусидаги аниқ ва адолатли фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Амир Темурнинг сўнгги сўзлари шундай бўлди:

«Менлан сўнг ҳоқон Пирмуҳаммад Жаҳонгир бўлажакдир. Онга менга итоат этар каби итоат этажаксиз, қўмондонларим, ҳозир итоат оними этингиз...»

Амир Темур умрининг энг охирги сониясида ҳам ўзи барпо этган буюк салтанат келажаги учун қуйиниб жон таслим қилди. У халқини бирлашиб яшашга чақирди.

Назар РАЖАБОВ,
профессор.



Маърифат Умидова ўзининг ширин сўзлиги, очиқ чеҳрасию меҳрибонлиги билан беморлар дардига малҳам қўяётган шифокорлардан. У 23 йилдан бери Қашқадарё вилоят шифохонасида ишлаб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

СУРАТДА: Маърифатхон Умидова янги келган беморни текшириб кўрмоқда.

Б.ИСМОИЛОВ олган сурат.

ФАРАНГИ АТИРЛАРИ

Узбекистон фуқаролари Франция, Италия ва Американинг жаҳонга машҳур атир-упаларини бемалол харид қилиш имконига эга бўлди. Бу имконият республикамиздаги Гулчеҳрабегим Маҳмудова бошқараётган «Бегим» фирмаси томонидан яратилди.

Фирма жаҳон бозоридаги атир-упа ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалар билан алоқа ўрнатиб, бу маҳсулотларнинг доимий равишда мамлакатимизга етказиб турилишини йўлга қўйди. Харидорларни бу соҳада эришилган барча янгиликлардан ўз вақтида хабардор этиб туриш ҳам фирма фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Фирма яқин орада махсус замонавий атир-упа дўкони ҳамда «Бегим» халқаро моддалар маркази очишни режалаштирмоқда.

(ЎзА).

ХАНДАЛАР

ҚАСАМ ИЧГАНМАН

Мухандис йигит тўйда ёнма-ён ўтирган, нотаниш шифокордан сўради:

— Отасизми?

— Йўқ, қўлимга милтиқ ушлаган эмасман.

— Ичамизми, демоқчиман.

— Бир умрга етадиганини илгари ичганман.

— Қачон?

— Институтни битираётганда.

— Нима ичгансиз?

— Қасам.

ШУРИМ ҚУРИЙДИ

Имтиҳонда учта саволдан иккитасига жавоб бера олмаган талаба домладан илтимос қилди:

— Ўтиниб сўрайман, битта қўшимча савол беринг.

— Иккита асосий саволга жавоб бера олмадингиз, шунинг учун иккита қўшимча савол бераман.

— Унда шўрим қуриб қолдику...

ЕТИШМАС ЭКАН

Икки дўст боғда суҳбатлашиб кетаётган эди, улардан бири токнинг янги ўсиб чиққан новдасини узиб олиб чайнай бошлади. Бу ҳолни кўриб ажабланган ҳамроҳи сўради:

— Эчкита ухшаб новда чайнашинг нимаси?

— Шифокорлар айтган менда витамин етишмайди.

— Ёшингга ярашмаган бачкана қилиқлар қилсанг, пойма-пой сўзласанг ҳайрон бўлар эдим. Энди билсам «етишмас» эканда.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

ТОВУҚ ЎҒРИЛАРИ

Хўжаобод паррандачилик ҳиссадорлик жамиятида катта миқдорда ўғирлик содир этилди. Эл оғзига элак тутиб бўларми ди, бу нохуш хабар жуда тез тарқалди. Кўпчилик ўғриларни қаттиқ қоралаяпти. Хўш, улар кимлар дейсизми? Ўзиндан чиққан балога қайга борарсан давога, деб бежиз айтилмаган. Корхона мулки ва паррандаларини қўриқлашга масъул бўлган қоровулларнинг ўзлари қинғирликка қўл урдилар. Алишер Асқаров, Ҳабибулло Умаровлар кўпчиликнинг ризқу насибасига чанг солиб, қармоққа илиниб, шармандаю шармисор бўлдилар. Корхонанинг паст-баландидан яхши хабардор бўлган ноинсоф қоровуллар қилмишлари билан юзлари шувут энди. Кишини яхши хулқ, яхши одоб, яхши иш давраларнинг тўрига ўтказса, эл мулкига чанг солиш, ўғрилик эса қора курсига етаклайди.

Воқеа тафсилоти шундай. Ўша куни паррандачилик ҳиссадорлик жамиятида Ҳабибулло Умаров марказий дарвозадаги қоровулхонада навбатчи эди. Мижозлардан бири Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Корасув туманида истиқомат қилувчи чойхоначи Эркин Тошбоев аввалроқ олиб кетган 400 та товуқ касаллиги учун боқишни уддасидан чиқолмай фабрикага қайтариб топшириш учун олиб келганди. Дарҳақиқат мижозга соғлом товуқлар кераклигини тез пайқаб олган қоровулнинг миясига шум фикр югуради. Мижозга ким бўлса ҳам ишни пухта қилиб битказиб берса ҳисоб-да. Ҳар донасини 50 сўмдан тўғрилаб беришни ваъда қилиб қоровул Э.Тошбоевдан тегишли ҳужжатларни олиб қолди ва у истиқомат қилаётган манзилга товуқларни олиб бориб беришликни шартлашишди. Бу ҳақда марказий дарвоза қоровули товуқхоналар қоровули Алишер Асқаров билан жиноий тил бириктириб, ўғирлик режаларини тузишди. Алишер Асқаров ижарага олинган автомашина ҳайдовчиси, эски таниши Мухтор Абдувалиевга ўз «таклиф»ини айтади. Кўп миқдорда товуқ ўғирлашнинг ўзи бўлмайди. Бу ишга Абдумуталиб Молдабекиев, Шуҳрат Асқаровлар ҳам жалб қилинди.

Келишилганидек, тунги соат 23 лар чамасида ГАЗ-53 русумли 63-17 АНЛ давлат рақамли усти ёпиқ автомашинани бошқариб келаётган Мухторжон Абдувалиевни фабрика дарвозаси олдида қоровул Умаров кутиб олиб, уни 38-товуқхона корпусига бошлаб борди. Тартибга кўра товуқхонанинг эшиклари берк ва мухрлаб қўйилганди. Ҳамтовоқларнинг бири товуқхона ҳавосини алмаштириб турувчи вентилятор паррагини букиб ичкарига кирди. Автомашина эса туйнукнинг яқинига, товуқ юклашга қулай қилиб қўйилди. Ўша тунда 14688 сўмлик 200 та товуқ ўғирланиб, автомашинага юкланиб, фабрика дарвозаси олдига келишиб қалбаки юк хати билан корхона ҳудудидан ҳеч қандай тўсиқсиз чиқиб кетишди. Ўша куни белгиланган манзилга шартлашилганидек, товуқлар эртиб қўйилди.

ФЕЛЬЕТОН

Эртаси куни ҳамтовоқлар чойхонада ўғирлик йўли билан топилган 10 минг сўм пулни улушларга бўлишди. Алишер Асқаровга 3.5 минг сўм, Ҳабибулло Умаровга ҳам шунча, Мухтор Абдувалиевга 1000 сўм, Шуҳрат Асқаровга 1,5 минг сўм ва Абдумуталиб Молдабекиевга 500 сўм миқдорида «хизмат ҳақи» тегди. Улар ўша куни кейинги иш кунида ўғирликни яна давом эттириш ҳақида ўзаро келишиб олишиб, уй-уйларига тарқалишди.

Халқда ўғрининг қопи катта бўлади, деб бежиз айтилмаган. Албатта, текширинг мазасини бир тотиб кўрганнинг қинғир хаёли тез-тез қочиши табиий ҳол. Ўғирлик ҳам худди шундай. Бир неча нафар ҳамтовоқлар сурункали равишда ўзларининг қинғир қиликларини бемалол давом эттираверадилар. Албатта, ҳар ким нотўғри босган қадами учун қонун олдида жавоб бериши тайин. Ўғриларнинг нафси шунчалик ҳакалак отиб кетдики, улар паррандачилик ижара корхонасидан жами 44224 сўмлик 603 та товуқларни ўғирлашиб, 30 минг сўмга сотиб юборишди. Бўлишиб олинган пулларни эса уларнинг ҳар бири ўз эҳтиёжлари учун сарфладилар. Ўғриларнинг сафи кенгайиб борганига нима дейсиз?

Яхшики, ҳушёрлар ўғрилар тўдасининг сирларини фош этди. Корхона мулкини гумдон қилган ва уларга шерик бўлган Алишер Асқаров, Ҳабибулло Умаров, Қодир Жўраев, Абдусалом Тўраев, Мухтор Абдувалиев, Шуҳрат Асқаров, Аъзам Сўпиев, Абдумуталиб Молдабекиев, Рустам Ҳасановлар ўзларининг қилмишлари учун кора курсига ўтирдилар. Район ҳуқуқ-тартибот органлари уларнинг қилмишларига яраша жазо олишлари учун қонунда белгиланганидек қатъий чораларни кўрдилар.

Кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштирувчи ва уни қайта ишловчи корхоналардаги талон-тарожликлар, ўғирликлар ва ташмачиликларга қарши кураш кун сайин кучайиб бормоқда. Қаердаги тартиб-интизом, вазифага масъулият қарор топган бўлса, ўша жойда қонунбузарликларга йўл қўйилмайди. Туманимизда ҳам жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига муросасизлик билан зарба беришга бурчли эканлигимизни унутишга сира ҳақкимиз йўқ.

Муроджон РАҲМОНОВ,
Хўжаобод тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Бекобод металлургия комбинатида ишчи-хизматчилар учун маданий-маиший хизмат кўрсатишга кенг шароит яратилган. Жамоада фаолият кўрсатаётган «Шодиёна» дастасида 40 нафардан ортиқ ёшлар санъат сирларини ўрганмоқдалар. Уларга Муяссар Шарипова раҳбарлик қилаётир. Қатнашчиларнинг аксарият кўпчилиги комбинат оталиғидаги Алишер Навоий номли 9-мактаб ўқувчиларидир.

Суратда: «Шодиёна» қатнашчиларининг бир гуруҳи.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Элатлар, одатлар

Расмий маълумотларга қараганда Намибияда ун бир гуруҳ элатлар истиқомат қилади. «Ва ҳоказолар» деб тилга олинадиган ўн иккинчи гуруҳни африкаликларнинг кўпгина ўзига хос қабилалари ташкил этади. Ана шулардан бири-оваимба қабиласининг никоҳ маросимлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Маҳаллий деҳқон Музарима Кавари ўзларининг никоҳ маросимлари ҳақида шундай сўзлайди: «Қадим замонларда лобола-келин учун қалин-чорва, турли рўзғор буюмлари билан тўланар эди, ҳозир эса бир неча шиша ичкилик лобола ўрнига ўтаверади...» Шунга қарамай бугунги кунда ҳам никоҳ маросимлари ва одатлари қоятда қизиқарли жозибали ўтади.

Оваимбалар одати бўйича келинни қуёвнинг отаси танлайди, у ишни келиннинг ота-онаси билан битиради. Узаро бўлажак қариндошларини кейинроқ келишини тайинлаб кузатиб қўйишади (яъни келин унашилади). Музоқаралар анчагача давом этади, айни пайтда қизнинг фикри инобатга олинмайди. Ниҳоят, битимга келишилгандан сўнг қурбонликка қўй сўйилади. Шундан сўнг келиннинг ота-онаси, албатта қуёш ботгандан кейин қуёвнинг кулбасига таҳриф буюрадилар-да унинг хузурида тиз чўкади: бу-янги қариндошлик алоқаларига ҳурмат белгисидир. Одат бўйича қуёв ва келин бир кулбада танҳо тунаб қоладилар, аммо улар кўрпа вазифасини ўтовчи похол тўшакда алоҳида-алоҳида ётишади.

Эртаси куни эрта билан қуёв келиннинг кулбаси яқинида жойлашиб олади, отаси эса тўйга келадиган меҳмонларга таом

КЕЛИННИ ОЛИБ ҚОЧДИ

тайёрлаш учун яна бир қўй сўяди. Шундан сўнг тўй тантанаси бошланади. Бир гуруҳ эркаклар келинни олиб кетиш учун бақириб-чақириб қўшиқ айтиб, келин жойлашган кулбага бостириб киришга ҳаракат қиладилар. Хотин-қизлар астойдил уларнинг ҳужумига қаршилик кўрсатишади. Олишув вақтида рақиблар ҳатто бир-бирларини ерга қуватиб ҳам юборишади. Бу ҳеч кимни ранжитмаслиги керак. Чунки келин ўғирлаш байрам тантанасидай ўтиши керак. Мабодо эркаклар қизни олиб кетишолмаса, улар хотин-қизларга товон тўлашга мажбур бўладилар.

Ниҳоят, келин қўлга киритилгач, уни муқаддас гулхан яқинига олиб келишади. Шу ерда келиннинг отаси қизига ўз пойабзалини кийишига рухсат беради, бу уйдан кетиши мумкин, деган маънони англатади. Энди навбат қуёвга келади. Муқаддас гулхан олдида келиннинг қариндош-уруғларидан ташкил топган аёллар тўдаси қўлларида каркидон терисидан ясалган қамчи воситасида қуёвни савалайдилар-да, келинни олиб кетишга рухсат берадилар. Шундан сўнг умумий тантана остида келин ва қуёв янги ясатилган кулбаларга кириб кетадилар-да, тинчгина ҳордиқ чиқазадилар. Шу билан тўй тантанаси тугаб, меҳмонлар уй-уйларига тарқайдилар.

Шуниси қизиқки, оваимба халқларида кўп хотинлик ҳамон учраб туради. Агар қуёв яна уйланса, бу маросим яна такрорланади.

Тўпловчи: Шоилёс ШОҲАЙДАР ўғли.

Жаҳонда маълум у машҳур лак ва бўёқлар Голландияда ишлаб чиқарилган

АВТОЭМАЛЛАР СОТИЛАДИ

AKZO NOBEL
sikkens

Турли маркадаги автомобиллар учун мўлжалланган турфа бўёқларни Сиз учун керакли рангга мослаб-тайёрлатиб, харид қилишингиз мумкин.

Шунингдек, бу дўконда автомобилларни таъмирлашда ишлатиладиган турли хил шпаклевка ва грунтовкалар ҳам сотилмоқда.

МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАРХИ ЖУДА АРЗОН

Дўкон манзилгоҳи: Тошкент, Миробод (аввалги Госпиталь) бозори қаршисидаги савдо расталарида.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан Лутфулла Мажидов номига берилган 013891- рақамли йўқолган патент ва ҳисоб-китоб дафтари бекор қилинади.

ТРАКТОР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ, МОСЛАМАЛАР, УСКУНАЛАР СОТИЛАДИ

Ташкилот Тошкентдаги омборидан ҳайдов тракторлари учун эҳтиёт қисмлар ва осма ускуналарни, сеялкалар, культиваторлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техника воситаларини (плуг тишлари, панжалари, кесгичлари, шиналар, подшипниклар, поршен-гильза гуруҳига кирувчи деталлар ва бошқа кўплаб мосламалар) сотиб олишни таклиф этади.

Маҳсулотларга ҳақ тўлашда ҳисоб-китобнинг хоҳланган усулидан фойдаланиш мумкин.

Манзилгоҳ: Тошкент, Қатортол кўчаси 60-уй, 701-хона.

Телефон (факс): 78-31-11.

АБДУРАШИДНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?

Зомин туманида истиқомат қилувчи, Меҳнатобод туманидаги Ҳамза номли ширкатлар уюшмасида ишлаб келган, 1968 йилда туғилган Абдурашид Мажидович Қодиров қидирилмоқда.

У 1996 йил 30 январь куни тушдан кейин уйидан чиқиб кетганича қайтмаган. Эгнида жигарранг пальто, қора ботинка бўлган. Бошида қора шляпа бор эди.

Кўриниши: бўйи 185 сантиметр, гавдали, қорачадан келган. Уни кўрганлар ёки қаерда эканини билганлар Зомин тумани ички ишлар бўлимига ёки яқин орадаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Туркистон-Ария» қушма корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Қушма корхона телефони: 50-58-51.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙЛАР:
«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминотгузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0185, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30 Нусхаси 15881.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.